

МУГАЛЛИМ ҲАМ УЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилеженов

Редакция аъзалары:

Мақсат АЙЫМБЕТОВ
Нафмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Гулбахар АБЫЛОВА
Өсербай ӨЛЕҶОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гулнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДНОВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулурухсор ЭРТАШЕВА

Шўлкемлестириўшилер:

Қарақалнақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалнақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы

Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалнақстан Баспа сөз хам
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00

e-mail: uzniipnkkf@mail.ru,
mugallim-pednauk@mail.ru
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим хам узликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп корсетилиўи шэрт. Журналға 5-6 бет квлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шриф тинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

<i>G'anibayeva B., Abduraxmanov M. Tilimizdagi omonim so'zlarning ahamiyati va tahlili</i>	4-8
<i>Юсупова Ф.М. Рус тили фани ўқитувчисиди маданиятлараро мулоқот компетенциясини шакллантиришининг ўзига хос хусусиятлари</i>	8-15
<i>Нарманов А.Х. Болалар нутқини ривожлантириши илмий-педагогик муаммо сифатида</i>	15-19

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<i>Ботирова Ш.И. Принцип социального партнерства в преподавании инновационного кластера педагогического образования</i>	20-23
<i>Tashtemirova S.A., Tashtemirov R.A. Pedagogical approaches in education and their importance</i>	24-30
<i>Жабборов О.М. “Тарбия” фани ва унга оид меъёрий хужжатлар</i>	30-36
<i>Дусчанова Н.С. Шахсга йўналтирилган ёндашув афзалликлари</i>	36-42
<i>Azimov D.G'. Imkoniyati cheklangan bolalarni o'qitish va tarbiyalashda musiqaning motivatsion va didaktik imkoniyatlari</i>	42-47
<i>Tashpo'latova D. Integratsiya asosida ta'lim samaradorligini oshirish usullari</i>	47-52
<i>Raxmonov N.B. Inson hayoti xavfsizligini ta'minlash masalasida pedagogik ta'lim-tarbiya zarurati</i>	52-58
<i>Kurbanova F.K. Chet tilini o'qitish sharoitida bo'lajak o'qituvchilarning madaniyatlararo kompetensiyasini rivojlantirish usullari</i>	58-66
<i>Shaymatov J.N. Ofitser-o'qituvchining kasbiy-pedagogik kompetentligini rivojlantirish asosida innovatsion faoliyatga tayyorlash</i>	66-72
<i>Eshqoraev Q.A. Masofaviy ta'lim modellari va uning xususiyatlari</i>	72-78

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<i>Мусурмонов Р., Мусурмонова М. Талабаларга Ал-ҳаким ат-Термизийнинг илмий-педагогик меросини ўргатиши замон талаби</i>	79-85
<i>Ахмадҷонов Д.Б. Герменевтик ёндашув асосида бағрикенглик компетенциясини ривожлантириши</i>	85-89

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<i>Исмаилов А.А. Роль мультимедийных технологий в преподавании физики</i>	90-94
---	-------

БАСЛАЎЧИ КЛАСС, МЕКТЕНКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

<i>Эшманова Н. Бошланғич синф ўқувчиларида ёзма нутқни такомиллаштириши тизими</i>	95-99
--	-------

ФИЗИКАЛЫҚ ТАРБИЯ ҲАМ СПОРТ

<i>Мардонов Ш.Қ., Абдувайитова Д. Ўсмирларда спорт эстетикасига оид тасаввур ва қизиқишларини шакллантириши</i>	100-106
---	---------



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЁЗМА НУТҚНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

Эшманова Н.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ўқитувчи, ўқувчи, нутқ, она тили, таълим, кўникма, тафаккур, ёзма, матн, баён, иншо, фаолият, алоқа, маданият, характер, ирода, тасаввур, талаффузи, луғати, синтактик, боғланиш.

Ключевые слова: учитель, ученик, речь, родной язык, обучение, навыки, мышление, письмо, текст, выражение, сочинение, деятельность, общение, культура, формирование, характер, воля, воображение, произношение, лексика, синтаксика, связь.

Keywords: teacher, student, speech, native language, learning, skills, thinking, writing, text, expression, composition, activity, communication, culture, formation, character, will, imagination, pronunciation, vocabulary, syntax, communication.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрири асосида “Таълим тўғрисида”ги Қонуни амалиётга кенг жорий қилинмоқда. Янги Ўзбекистон таълимни ислоҳ қилиш жараёнида, халқ таълими тизимида ҳам мустақил чуқур ислоҳатлар ўтказишга кенг имконият яратилган. Шундай ислоҳатлардан бири ўқувчиларнинг нутқ маданиятини такомиллаштиришга қаратилгандир. Бола нутқининг тўғри шаклланиши асосан бошланғич таълим синфларида босқичма-босқич изга солинади ва у юқори синфларга ўтганида тўлалигича такомиллашади.

Нутқ – тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши; сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шу жараённинг ҳосиласи[1]¹. Нутқ киши фаолиятининг тури, тил воситалари асосида тафаккурини ишга солади. Нутқ ўзаро алоқа ва хабар функциясини, ўз фикрини ҳис- ҳаяжон билан ифодалаш ва бошқаларга таъсир этиш вазифасини бажаради. Яхши ривожланган нутқ жамиятда кишининг актив фаолиятининг муҳим воситаларидан биридир, ўқувчи учун эса ёзма нутқ босқичма-босқич

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбек миллий энциклопедияси”/Т.:2007.Б-67.

мактабда муваффақиятли таълим олиш натижаси ҳисобланади. Болани бошланғич синфданок равон тилга гапиришга, тўғри талаффуз қилишга ва ёзма нутқини шакллантириб бориш лозим. Ўқувчилар ёзма нутқини ўстириш учун ўқитувчилар ўқувчилар тилининг талаффузи, луғати, синтактик қурилиш ва боғланишли нутқини актив эгаллашларида ёрдам берадиган метод ва усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

Она тили – боланинг гўдакликдан катталарга тақлид қилиб ўрганган тили, туғма тил[1]. Таълимнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида тафаккур қилиш, ёзма нутқнинг ифода воситаларини(ҳарфни тўғри ёзиш, бўғин кўчириш, хат бошидан ёзиш) мақсадга мувофиқ тарзда, айтиш шу тилнинг меъёрларига риоя қилган ҳолда қўллашга ўргатишдан иборат.

Бошланғич синф ўқувчиларини равон тилда гапиришга, ўз нутқида гўзал сўзлардан фойдаланиб, фикрни эркин баён қилишга ўргатиб бориш муҳим.

Бошланғич синфларда ўқувчилар барча дарслар давомида назарий ва амалий билимларни олиш билан бирга жумлаларни тўғри тузиш ва ёзиш, ўзаро муомала қоидалари, фикрни баён этиш, қайта ижодий ҳикоялаш, шеър ёдлаш орқали ёзма нутқ кўникмалари ҳам ривожлантириб борилади. Нутқни тафаккурдан ажратиб бўлмайди, нутқ тафаккур асосида ривожланади. Она тили дарслари болалар луғатини бойитишга самарали ёрдам беради, ёзма нутқга кўникма ҳосил қилишга ўргатади. Ўқиш дарси ва у билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган экскурсия ўқувчиларга табиат ҳодисалари, кишилар ҳаёти ва меҳнати ҳақида билим беради. Она тили дарсида ўқувчи ёзма нутқини шакллантиришга ва фикрлашга кенг имконият яратади. Бошланғич синфдаги бошқа дарсларда ҳам ўқувчилар ёзма нутқи хилма-хил сўзлар билан бойитилади ва кўникма шакллантирилади. Чунончи: Ўқиш, математика, табиатшунослик дарсларида ўқувчи ёзма нутқдан кенг фойдаланади. Ўқиган ҳикоя, эртаклари юзасидан саволлар, масала шартини қисқа ёзув билан ифодалаш каби ёзма нутқ кўникмалари ҳам ривожлантириб борилади. Бошланғич синф ўқувчиларини ўз фикр ва мулоҳазаларини, ўқилган матнни қайта ҳикоя қилишга ва мазмунини ўз тушунчалари орқали ёритиб беришга ўргатишга иложи бориша эртароқ бошлаган маъқул. Бунинг учун ўқувчилар матнни оғзаки ҳикоя қилоётганда қўлланган алоҳида сўзларни ёзишдан гапнигарни ёзишга, сўнг матнни қисмларини ёзишга ва иккинчи синфдан бошлаб махсус танланган кичик матн асосида баён ёзишга ўргатилади[3]. Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг ёзма нутқи ривожланиб илк баён ёзиш кўникма аста-секин ижодий тус олиб малакалари ортиб боради. Бошланғич синфларда 2-синфда ҳажми катта бўлмаган (30–40 сўзли) матн юзасидан ўқитувчи ёрдамида сўроқлар асосида қайта ҳикоя қилиниб баён ёзиш кўзда тутилади. Бошланғич синфларда баён ёзиш билим,

кўникма, малакаларини оширишда расмлар асосида ҳикоя тузишнинг ҳам аҳамияти катта. матнни нутқий тайёрлаш, яъни зарур сўзларни ёзиш, сўз бирикмаси, гап ёки боғланишли матннинг айрим қисмини тузиш, имлоси қийин сўзларнинг ёзилишини тушунтириш ва бошқалар.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириши босқичма-босқич ташкил этилса, бу соҳадаги тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилсагина у ўқувчининг бутун вужудига, унинг ҳиссиётига, тасаввурига, ирода ва характериға, ниҳоят фикрлаш фаолияти ва қобилиятиға таъсир этиб, ёзма нутқнинг тўғри шаклланишида катта аҳамиятға эға. Шу йўл билан ёзма нутқ малакаларини ривожлантириш орқали, уларда тўғри ёзиш ва аниқ, мантиқий фикр ифодалаш (баён ва иншо ёзишда) салоҳияти шаклланиб боради. Уларнинг ёзма ижодий фаолияти ва истеъдодларини ривожлантириб рўёбға чиқаради. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстириш учун барча машғулотларда уларнинг луғат бойликларини аниқ мақсадға йўналтирилган режа асосида сўзларни ёзма нутқида фаол қўллашға ўргатиш орқали мустаҳкамлаб бориш керак. Ўқувчилар етарли сўз бойлиғига эға бўлмасдан туриб аниқ ва тўғри фикр юрита олмайдилар. Ўргатилган ҳар бир янги сўз ўқувчиларнинг сўз захирасини оширади, фикр ифодалаш имкониятларини кенгайтиради[4]. Шунинг учун ҳам ўқувчилар билан сўз ва унинг маъноларини эғаллаш устида узлуксиз иш олиб бориш лозим. Бунда синоним сўзларни доимий равишда тадрижий тарзда ўқувчининг нутқиға сингдириш алоҳида аҳамиятға эға. Чунончи:

Ариқ	катта	чиройли
Ирмоқ	улкан	гўзал
Ҳовуз	бахайбат	сулув

Ўқитувчи сўзларнинг матн ёзишда зарурий элементлари эканлигини ўқувчиларға сингдириб боришни унутмаслиғи керак. Ўқувчиларни ёзма баёнга тайёрлаш юзасидан умумий нутққа хос бир қатор махсус ишлар олиб борилгандан сўнг уюштирилган амалий машғулотлар ўқувчи ёзма нутқининг алоҳида такомиллашишиға ёрдам бериш керак. Бунда айниқса ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ёзма нутқ онгли равишда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириши керак. Сўзларнинг маъносини ёзиш жараёнида қийин бўлса, синонимлардан фойдаланиш жуда муҳимдир. Ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ёзма нутқини ўстиришишда ўқув чоракларига режалаштиришда баён ва иншо сонини аниқлаб олиш билан бирға, ёзма ишларнинг характерини ҳамда тўғри ёзув машғулотлари тизимидаги ўрнини ҳам белгилаб олиш зарур ҳисобланади. Бунда ёзма нутқ соҳасидаги кўникмаларни оғзаки нутқни ўстириш асосида ҳосил қилиш кўзда тутилади. Болалар ёзма машқларни бажараётганида ўқитувчи баён (иншо)нинг мазмуни,

кўриниши юзасидан кўрсатмалар беради, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Замонавий мактабда бошланғич синф ўқитувчиларининг жонли нутқига техник воситалар ёрдамга келади. Улар нутқ ифодалилигини оширади, ҳиссий таъсирини кучайтиради. Ўқитувчи нутқи бу ҳолда гўё бирлаштирувчи бўлиб қолади: у кино, мусиқа, фото ишланма билан бирга идрок этилади. Ўқитувчи сўзи алоҳида тасвирий-ифодавий сифатларни ҳам акс эттиради. Токи ёзма нутқ уни идрок этиш жараёнида зудлик билан тушунишни талаб қилар экан, ўзига хос лексик-грамматик хусусият ҳам касб этади. Ёзма нутқ-ёркин, шаклан образли, ички эмоционал нутқ. Шу боис у тил воситалари ва услубий хусусиятлар хилма-хиллиги билан фарқ қилади. Ёзма нутқнинг тўлқинланганлиги, эмоционаллигининг юқорилиги экспрессив (ҳиссий бўёқдор) лексикани саралаш заруратини кучайтиради.

Ёзма нутқ манбаи ўқувчининг синф олдидаги жамоавий тингловчига мўлжалланган оғзаки жавобларидир. Бироқ бошланғич синфларда шеванинг кенг қўлланилиши натижасида талаб даражасидаги ихтисослашган ўқув ёзма нутқ маданиятига эришиш анча мушкул. Ёзма нутқ оғзаки нутқдан бир қадар шаклланганлиги, сўзларнинг ўта синчковлик билан танлаб олиниши, грамматик жиҳатдан аниқ, лекин мураккаб шаклланганлиги, оғзаки нутқ учун хос бўлган оҳанг, мимика ва қўл ҳаракатларининг бевосита қўллана олмаслиги билан ҳам фарқланади[5]. Шунини таъкидлаш керакки, бошланғич синфларда ўқитишнинг дастлабки йилларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқи уларнинг ёзма нутқига нисбатан тўлароқ шаклланган бўлиб, ўқитиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Ўқиш ва ёзиш ўқувчилар учун ўрганишнинг махсус шакли бўлиб қолади. Кейинчалик эса улар ўқувчилар учун билимларни ўзлаштиришда бир хил аҳамият касб этади. Савод ўргатиш жараёнида ҳар томонлама баркамол, эркин фикрлайдиган шахсларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган мавжуд шароитда ўқувчилар нутқини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ёзма нутқни ривожлантириш шахсни шакллантиришнинг зарурий шартига айланади.

Шундай экан, бошланғич таълимда ёзма нутқ ўстириш муаммоси доимо диққат марказида бўлиши лозим. Дидактик ўйинларни ташкил қилиш орқали ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга эришилади. Энг аввало шунини таъкидлаб ўтишимиз керакки, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстиришда кичик матн, баён ва иншо ёзишни ўргатиш ўринлидир. Чунки мустақил ва эркин фикрлаб ўз саводхонлигини ўстириш ўқувчилар учун қизиқарли ва севимлидир. Шу топшириқлар туфайли ўқувчи энг аввало мактабга, дарсга қатнашга қизиқувчан бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир дарсда жавоб беришга ҳаракат қиладиган, пухта фикрлаб сўнгра сўзлайдиган,

ўқитувчи томонидан етказиладиган ҳар бир фикрга ўта эътиборли ва ўзгарувчан бўлиб боради.

Ҳар томонлама баркамол, эркин фикрлайдиган шахсларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган мавжуд шароитда ўқувчилар ёзма нутқини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ёзма нутқини ривожлантириш шахсни шакллантиришнинг зарурий шартига айланади. Шундай экан, бошланғич таълимда ёзма нутқ ўстириш муаммоси доимо диққат марказида бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати // Учинчи жилд. Т.: 2007 Б-65,125
2. Ахмаджонова М. Э. Бошланғич синф ўқувчиларини оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш тизими / М. Э. Ахмаджонова, Д. Б. Маматкулова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 4.2 (138.2). — С. 6-8. — URL: <https://moluch.ru/archive/138/39265/> (дата обращения: 07.01.2022).
3. Аминов М.Н., Мажидов А. М. Тарбия(ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия)-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси "Давлат, 2010.
4. Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари. Ўзбекистон тилидан доимий 5-анжумани материаллари.-Т.: "Шарқ", 1999.
5. Ғуломов. А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулоти.-Т.: "Ўқитувчи", 1995.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг ёзма нутқини ривожлантиришда она тили дарслари болалар луғатини бойитишга самарали ёрдам бериши, ёзма нутқга кўникма ҳосил қилиши, ўқиш, она тили дарслари ва у билан боғлиқ ҳолда олиб бориладиган ёзма нутқини ўстириш борасида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье на уроках родного языка в развитии письменной речи младших школьников размышляется о том, как эффективно помочь обогатить детский словарь, развить навыки письменной речи, чтения, уроки родного языка и в связи с этим развитие письменной речи.

SUMMARY

The article, the mother tongue lessons in the development of written speech of Primary School students are thought about how to effectively help enrich the children's dictionary, develop skills in written speech, read, native language lessons and in connection with it the development of written speech.